



МУСИҚАЛИ ТЕАТР СПЕКТАКЛАРИДА РАҚСНИНГ САҲНАВИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ

Жаникулова Зилола Қиличбоевна

Ўзбекистон Касаба уюшмалари саройи,
актёрлик маҳорати бўйича педагог-репетитор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21767228>

Аннотация

Мазкур тезисда мусиқали театр спектаклларида рақс санъатининг саҳнавий образ яратишдаги ўрни таҳлил қилинган. Саҳнавий образ актёрнинг пластик, вокал ва психологик воситалари уйғунлигида шаклланиб, хореография бу жараёнда алоҳида аҳамият касб этади. Актёрлик тренинглари, диққат элементлари, овоз ва ҳаракат маданияти рақс орқали образни ишончли ва таъсирчан етказишда муҳим восита ҳисобланади. Ўзбекистон мусиқали театрлари мисолида рақснинг драматургик, характерологик ва экспрессив имкониятлари амалий жиҳатдан ёритилган.

Калит сўзлар: мусиқали театр, рақс, саҳнавий образ, актёрлик маҳорати, тренинг, диққат, пластика, овоз, хореография, спектакль.

Мусиқали театрда саҳнавий образ яратиш мураккаб ва кўп қиррали ижодий жараён бўлиб, унда драматургия, мусиқа, вокал ва хореографиянинг ўзаро уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Актёрнинг саҳнада яратган образи унинг пластик ифодаси, ҳаракат маданияти, овоз бойлиги ва психологик чуқурлиги орқали тўлиқ намоён бўлади [1]. Хореография эса бу жараёнда қаҳрамоннинг ички кечинмалари, характер хусусиятлари ва эмоционал ҳолатини сўзсиз, фақат ҳаракат ва пластика воситасида ифодалаш имконини беради.

Тезиснинг долзарблиги мусиқали театр актёрларини тайёрлаш тизимида хореографик тайёргарликнинг ўрнини аниқлаш, актёрнинг саҳнавий образ яратишдаги пластик имкониятларини ривожлантириш ҳамда миллий хореография анъаналарини замонавий саҳна амалиёти билан уйғунлаштириш зарурати билан белгиланади. Тезиснинг мақсади мусиқали театр спектаклларида рақс орқали саҳнавий образ яратишнинг асосий воситалари ва усулларини очиб бериш, шунингдек, Ўзбекистон мусиқали театрлари мисолида рақснинг амалий салоҳиятини таҳлил қилишдан иборат.

Актёрлик маҳорати ва тренинг тизими. Мусиқали театр актёрининг касбий тайёргарлигида актёрлик маҳорати фани алоҳида ўрин тутadi. Тўраев М.Ж. таъкидлаганидек, актёрлик касбини танлаган ҳар бир талаба






1-курсдан бошлаб тренинг машқлари билан ишлаши муҳим ва фойдалидир [2]. Актёрлик маҳорати фанининг ўзагини ташкил этувчи тренинг машқлари актёрнинг диққати, тасаввури, ҳаракат маданияти ва эмоционал ифодалилигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тренинг тизимида диққат элементи алоҳида аҳамиятга эга. К.С.Станиславский таъбири билан айтганда, сахнада диққатни жамлай билиш, уни бирор объектга йўналтира олиш мақсад йўлида қилинадиган ҳатти-ҳаракат жараёнини ўзлаштириш демакдир. Актёр ижодини диққат унсурисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки диққат элементи ҳақида гапирганда ҳатти-ҳаракатнинг бошланганлиги назарда тутилади. Тўраев М.Ж.нинг таъкидлашича, диққат икки хил бўлади: беихтиёрий диққат (фаол эмас, суст) ва ихтиёрий диққат (инсон онгида содир бўлаётган жараён билан боғлиқ) [2]. Диққат объектлари эса ташқи (актёр атрофидаги жиҳозлар, буюмлар, товушлар) ва ички (очлик, чанқоқ, тасаввурлар, хотиралар) йўналишларга бўлинади.

Тренинг машқлари овозни уйғотиш, нафасни тўғри йўлга қўйиш ва пластик ҳаракатларни ривожлантиришга қаратилган. Муסיқали театр актёрлари учун овоз муҳим ҳисобланиб, овозни ишламасдан туриб ижро қилиб бўлмайди, чунки овоз хасталаниши, хрип тушиши мумкин. Уразметова Л. ва Тажигалиева М.нинг фикрича, вокал фанининг асосий мақсади – бўлажак актёр талабаларни вокал санъати асосларига ўргатиш, уларнинг ижрочилик маҳоратини ривожлантиришдан иборат. Куйлаш жараёнидаги нафас физиологик нафасдан кескин фарқ қилиб, тўғри нафас олиш ва чиқариш малакаларини шакллантириш муҳимдир. Тўғри нафас олишда диафрагма орқали нафас олинади, бунда ўпкалар кенгайиб пастки қовурғаларни ташқи томонга суради ва нафас чиқариш қорин таранг қобиғининг ҳаракати билан бошқарилади [5].

Рақс орқали сахнавий образ яратиш. Муסיқали театрда сахнавий образ актёрнинг ижодий фаолияти жараёнида вокал, пластик ва психологик воситалар уйғунлигида шаклланади. Хореография бу жараёнда алоҳида ўрин тутади, чунки рақс орқали қаҳрамоннинг ички кечинмалари, унинг сезгилари, эҳтирослари ва руҳий ҳолати бевосита ва таъсирчан ифодаланади. Актёр рақс воситасида сўз билан айтиб бўлмайдиган ҳиссиётларни, юксак руҳий кўтаринкилик ёки фожиали тушкунликни томошабинга етказа олади.

Театр санъатида рақс кўп ҳолларда эмоцияларнинг концентратлашган шакли сифатида намоён бўлади. Ритм, темп, амплитуда, макондаги ҳаракат





конфигурацияси спектаклнинг эмоционал тоналлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Шу билан бирга, рақс семиотик система сифатида абстракция ва метафора яратиш қобилиятига эга бўлиб, ҳаракатлар орқали хаос, қарама-қаршилик, ички кураш, эркинлик каби мавҳум тунчаларни бадий тарзда намоён этиш имконини беради.

Актёрнинг пластик тайёргарлиги ва мусиқа-хореография уйғунлиги. Хореография орқали образ яратиш жараёнида актёрнинг пластик тайёргарлиги ва ижодий тафаккури алоҳида аҳамиятга эга. Мусиқали театр актёри рақсни нафақат техник жиҳатдан тўғри ижро этиши, балки унга мазмун ва руҳий чуқурлик бахш этиши лозим. Бу эса актёрдан юқори даражадаги диққат, ҳаракат маданияти, танани бошқариш маҳорати ва бадий дидни талаб этади.

Рақс орқали образ яратишда иккита асосий омил муҳим ҳисобланади: биринчиси – мусиқанинг характер ва руҳий атмосферасини ҳаракатлар билан мувофиқлаштириш, иккинчиси – пластик ифода воситаларининг (поза, жест, мимика, ҳаракат тезлиги, фазодаги жойлашуви) мақсадга мувофиқ танланиши. Бу икки омилнинг уйғунлиги актёрга қаҳрамоннинг психологик портретини тўлиқ ва ишончли яратиш имконини беради.

1-жадвал

Рақс воситасида сахнавий образ яратиш омиллари

№	Восита	Образ яратишдаги аҳамияти
1	Пластик ҳаракат	Қаҳрамоннинг ички ҳолати ва характерини очиқ беради
2	Мимика ва жест	Ҳис-туйғуларни сўзсиз ифодалайди
3	Ритм ва темп	Образнинг эмоционал ҳолатини белгилайди
4	Фазовий ҳаракат	Сахнавий композиция ва муносабатларни шакллантиради
5	Мусиқа билан уйғунлик	Образнинг яхлит ва таъсирчан ифодаланишини таъминлайди

Мусиқа ва ҳаракатнинг уйғунлиги актёрнинг сахнавий образининг ишончилигини таъминлайди. Алимджанова Н.А.нинг таъкидлашича, хореография йўналиши талабалари учун куй ва ритм тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади [3]. Мусиқадаги темп, динамика, лад-тоналлик хусусиятлари хореографик композициянинг характери, ҳаракат амплитудаси ва эмоционал бўёғини белгилайди. Ритмик суратнинг ўзгариши хореографик суратларнинг ўзгаришига сабаб бўлиб, қаҳрамоннинг ички ҳолатидаги ўзгаришларни ифодалайди.





Ўзбекистон мусиқали театрлари мисолида таҳлил. Сирдарё вилоят мусиқали драма театри спектакллари рақс орқали саҳнавий образ яратишнинг ёрқин мисолларини намоёиш этади. Режиссёр Нигора Ғойибназарова томонидан саҳналаштирилган "Яхши кун" фольклор-этнографик томошасида балетмейстер Санжар Маманазаров қадимги миллий рақс анъаналарига таянган ҳолда халқона оҳангларга ҳамоҳанг рақслар яратган. "Паранжи", "Ҳилила ёр", "Кичкинажон", "Ёр-ёр" каби лапар ва мусиқалардаги рақслар орқали шарқ аёлининг ибоси, ҳаёси, камтарлиги ва соддалиги ифодаланган [4]. Айниқса, Бой отанинг зулмидан эзилган аёлларнинг маюс ҳаракатлари, уларнинг ички кечинмаларини рақс орқали ифодаланиши спектаклнинг драматик таъсир кучини оширган.

Азиз Несин ҳикоялари асосида саҳналаштирилган "Ҳалала" комедиясида балетмейстер Моҳинур Эргашева томонидан ишлаб чиқилган хореографик ечимлар воқеаларнинг кулгили вазиятларини янада таъсирчан ва томошабоп қилган. Спектакль бошланишида барча иштирокчилар турк миллатига мансуб "Ҳалай" рақсини ижро этиб саҳнага чиқиши, пролог қисмида ҳар бир қаҳрамоннинг ўз характерида келиб чиқиб туркча ҳаракатларни ижро этиши рақснинг характерологик функциясини ёрқин намоён этади. Асарда турк миллатига мансуб инсонларнинг ҳаёти акс эттирилганлиги боис, ана шу миллатга хос бўлган рақс ҳаракатларидан фойдаланилган.

"Момо ер" спектаклида эса рақс метафора воситасига айланиб, саҳнадаги юмалоқ тўшама ва либослар орқали она ер, тақдир ва ҳаёт фалсафаси ифодаланган. Турмуш ўртоғи ва уч нафар фарзандидан жудо бўлган Тўлғанойнинг мислсиз бардош ила ҳасратлардан тўлғониши, ўзида жасорат ва матонатни намоён этиши рақс ҳаракатлари ёрдамида ифодаланган. Бу ўринда сўз ва баён ўрнига рақснинг таъсир кучи ички ҳолатнинг энг мақбул бадий ечими эканлиги кўрсатилган.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" спектаклида режиссёр Жўрабек Рўзметов миллий рақс ҳаракатларидан оқилона фойдаланган. Майхона саҳнасида ғарб мусиқаси ва рақси орқали миллий маданиятга раҳна солаётган ғарб учқунлари акс эттирилган. Бойнинг ўғли Тошмуроднинг биринчи маротаба майхонага киргани, биринчи маротаба бегона аёл билан рўбарў келгани ва у билан бирга рақсга тушиши лозимлиги қаҳрамоннинг ҳолатидан аниқ сезилиб туриши лозим бўлган. Бу ҳолатда аниқ рақс ҳаракатлари билан рақсга тушиш мантиқан нотўғри эканлигини режиссёр яхши англаган.





Хулоса

Мусиқали театр спектаклларида рақс санъати саҳнавий образ яратишда муҳим восита ҳисобланади. Актёрнинг пластик тайёргарлиги, диққати, овоз маданияти ва хореографик маҳорати қаҳрамоннинг ички кечинмалари, характери ва эмоционал ҳолатини тўлиқ ва ишончли етказиш имконини беради. Тренинг машқлари, диққат элементлари ва овоз устидаги мунтазам иш актёрнинг саҳнавий маҳоратини юксалтиришда асосий омиллардан биридир.

Рақс орқали образ яратишда мусиқа ва ҳаракат уйғунлиги, ритм, темп ва динамикани тўғри талқин этиш алоҳида аҳамиятга эга. Хореограф ва актёрнинг мусиқий материални чуқур таҳлил қилиши, унинг иборалари, акцентлари ва динамик нюансларини ҳис қилиши образнинг ишончилигини таъминлайди.

Ўзбекистон мусиқали театрлари мисолида рақснинг драматургик, характерологик ва экспрессив имкониятлари амалий жиҳатдан исботланган. Миллий хореография анъаналарини замонавий саҳна ечимлари билан уйғунлаштириш спектаклларнинг бадиий савиясини оширишга хизмат қилмоқда. Рақс орқали яратилган образ томошабиннинг эстетик диди ва маънавий дунёсига ижобий таъсир кўрсатиб, спектаклнинг таъсирчанлигини кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Расулов У.Ў. Мусиқали театр санъатида мавзу ва жанрнинг уйғунлиги масаласи // Oriental Art and Culture. – 2022. – Volume 3 Issue 2. – Б. 930–933.
2. Тўраев М.Ж. Мусиқали театр актёрлари билан ишлашда тренинг машқлари ва овознинг аҳамияти // Journal of Culture and Art. – 2024. – II-жилд, 3-сон. – Б. 5–9.
3. Алимджанова Н.А. Хореография таълим соҳасида мусиқа назарияси фанини ўзлаштиришнинг аҳамияти // Oriental Art and Culture. – 2022. – Volume 3 Issue 3. – Б. 239–242.
4. Файзуллаева Д. Театр санъатида рақснинг ўрни. – ЎзДСМИ илмий мақоласи. – 2023. – Б. 1–7.
5. Уразметова Л., Тажигалиева М. Мусиқали театр актёрлари таълимида бевосита мусиқий билимнинг ўрни устувор // Journal of Culture and Art. – 2023. – I-жилд, 5-сон. – Б. 4–7.

